Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
24 январь
ЧОРШАНБА
№ 7 (13060)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор **"Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун"**, деган тамойил ва **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак"**, деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг қўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, "Электрон ҳукумат" ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида халол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принципларга механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда – узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий тураржой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Тураржой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида – давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида – фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида – ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, "истеъмол саватчаси"ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

Давоми 2-бетда.

Кўзгудаги ўзимиз

Ҳаётда шундай мезонлар борки, азалдан то ҳозирга қадар юрт ободлиги, халқнинг турмуш фаровонлигини белгиловчи омил сифатида моҳияти ўзгармасдан келмоқда. Жумладан, қабристонлар қадимдан халқнинг маънавияти, ўзаро меҳр-оқибати ва ҳамжиҳатлигидан далолат берувчи мезон ҳисобланади. Шундан бўлса керак, халқимиз орасида "Бозор – фаровонлик, мозор – оқибат ва ҳамжиҳатлик рамзи", деган гап юради.

ОҚИБАТ ВА ОБОДЛИК ШИЖОАТИ ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИ

Ушбу нақлнинг амалий самараси ўлароқ, халқимиз азалдан қабристонлар ободлигига алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, кейинги пайтларда мазкур масканларни тартибга келтириш, хусусан, атрофини девор билан ўраш, манзарали дарахт ва гул кўчатлари экиш, қабрларни сувоқ қилиш борасидаги ишлар кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайди.

Ҳали қиш оёқламаган шу кунларда мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиздаги мавжуд мингга яқин қабристонларда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, вилоят маҳаллалар кенгашидан маълум қилишларича, 20 ва 21 январь кунлари вилоятимиздаги 900 дан ортиқ қабристонларда ҳашарлар ташкил этилиб, муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди. Қабристонлар атрофларига 36 мингга яқин манзарали дарахт кўчатлари экилди. Эллик минг нафардан зиёд аҳоли иштирокида 53 минг метрга яқин ариқ ва лотоклар тозаланиб, 41 тоннадан ортиқ чиқиндилар махсус жойларга чиқариб ташланди.

Чиноз туманидаги 48 та қабристонда ҳам ҳамжиҳатлик, хайр-саховат, меҳр-оқибат ва ободлик айёми юксак савияда ўтди.

– Наҳотки, диёнати, имони бутун инсонлар қабристонга, унда мангу ором топган яқинларининг қабрларига бефарқ бўлишса, уни обод масканга айлантиришни хоҳлашмаса?! – дейди туман маҳаллалар кенгаши раисининг ўринбосари Карим Арзиқулов. – Хоҳлашади, фақат ташаббус кўрсатиб, уларнинг хайрли мақсадларини қўллаб-қувватлаш лозим. Дам олиш кунлари ташкил этилган ана шундай эзгу ташаббуслар рўёбида туманимизнинг 5 минг нафардан зиёд аҳолиси жонбозлик кўрсатди.

Давоми 4-бетда.

"Она ўз ўғлини ёқиб юборди, нафақат ўғли, келини, беш ёшли қизалоқни, неварасини ҳам..."

Вилоятларимиздан бирида рўй берган бу воқеани эшитиб, даҳшатдан ёқа ушлаганлар кўп бўлди. Аслида, фарзанди учун ҳамиша жонини беришга тайёр турадиган оналар сиймоси шууримизда мустаҳкам ўрнашиб қолган. Шунинг учун ҳам бу мудҳиш жиноят одамларда нафрат уйғотгани аниқ. Демак, бу аёл она эмас ёки унинг юраги тошдан бўлса керак?!

ОЙ ЮЗИДАГИ ДОҒЛАР

ёхуд аёл нега жиноятга қўл урмоқда?

Шу мулоҳаза билан воқеа тафсилотидан бир парча келтирмоқчимиз: "Бу аёлнинг уч ўғли бўлиб, турмуш ўртоғидан ажрашган. Сабаби, унинг ўта худбинлиги, манманлиги ва аёлларга хос бўлмаган қўрс табиати. Шу сабабли эр уйдан чиқиб кетган. Икки келин ҳам қайнона билан келишолмаган... Хорижда ишлаб келган ўғлига эса қайта уйланасан, хотининг билан ажрашасан, дея шарт қўяди. Ўғил эса қайнонасиникида яшаётган хотини, қизини олиб келади..."

Бу воқеа, табиийки, "энг нозик, нафис хилқат", дея таърифланадиган аёллар жиноятчилигининг ҳамон камаймаётганидан далолат. Жумладан, вилоятимизда ҳам.

Давоми 4-бетда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ: БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрда қабул қилган "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори тизимни тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим дастуриламалдир.

Фармон ва ижро

Зангиота туманидаги 4-МТМ тарбияланувчилари.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Ушбу фармон ва қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Бўка тумани мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини қайта кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда 130 нафар педагог-тарбиячи шу тизимда меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 23 нафари олий маълумотли мутахассис, қолганлари эса ўрта махсус маълумотга эга. Уч нафар тарбиячи-педагог эса олий маълумотли мутахассис бўлиш учун ишдан ажралмаган ҳолда Чирчиқ педагогика институтининг 1-курсида таҳсил олмоқда.

Албатта, яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш бугунги кун талабидир. Зеро, Республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этаётган бўлса, бу кўрсаткич Бўка туманида 19,1 фоиз, холос. Демак, қилинадиган ишлар кўп. МТМларнинг муқобил вариантларини яратиш фурсати етган.

Ана шуларни ҳисобга олиб, туманда давлат ва нодавлат йўналишидаги МТМларни бунёд этиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Ҳозирда 3-7 ёшгача бўлган 9 минг 247 нафар бола рўйхати шакллантирилди. Ваҳоланки, айни дамда туман бўйича 1 минг 750 нафар бола мактабгача таълимга қамраб олинган. Бундан кўринадики, болаларни МТМларга янада кўпроқ жалб этиш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Туман ҳокимлиги томонидан эски мактаб ва боғчалар бинолари, бошқа турдаги эски бино ва иншоотларни хусусий тадбиркорларга бериш ҳамда ушбу бинолар ўрнида нодавлат мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш таклифи қўллаб-қувватланди. 14 нафар хусусий тадбиркор ташаббус билан чиқишди ва ҳозирда хат-ҳужжат ишлари бошлаб юборилди. Бўка туманида жорий йилнинг ўзида ўндан зиёд хусусий боғчалар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида – Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессияларо тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

2. **Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинсин**, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чел эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва "Фан тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

Бошланиши 1-бетда.

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи махсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари – "Халқ қабулхоналари" замонавий бинораларининг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиль давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиль алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

энг аввало, замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

"Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт", деган қоидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги "Тараққиёт стратегияси" маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг якунлари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро яқин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги холис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган зарур маълумотларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илғор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

"Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идоларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10-20 январь кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан **тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.**

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар-жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, тураржойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд тураржойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, "Давлат хизмати тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишланган.

Шубҳасиз, "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идоларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.**

Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади. Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартибларида ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад – ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида **электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция** йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали "Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади", деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.

2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, "смарт" технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини **электрон савдо майдонлари** орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада "рақамли банкинг", "интернет-банкинг" ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича "истеъмол саватчаси"га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Ҳудудлар кесимида "истеъмол саватчаси"ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига **"ақлли тиббиёт"** тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади. Бу мақсадлар учун **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка ҳудудларда **2000 километр оптик толали алоқа линиялари** тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва **4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станцияларини** ишга туширишни кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсати юритиш.

Хусусан, **хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси** ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ОДАМЛАР ФИКРИ: «ЎЗГАРИШЛАР СЕЗИЛАЯПТИ»

Бутун юртимизда бўлгани каби Бекобод туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудий секторлар фаолиятидан

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи 4-секторга раҳбарлик қилади. Мазкур ҳудудда ҳам аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Секторга бириктирилган 2 минг 245 та хонадоннинг барчаси тўлиқ ўрганилиб, 238 та муаммо аниқланди. Камчиликларнинг 108 таси жойида ҳал этилган бўлса, 113 таси туман, 17 таси вилоят, яна шунчаси республика "Йўл хариталари"га киритилди.

Таъкидлаш жоизки, сектор ҳудудидаги кам таъминланган, ҳимояга муҳтож 51 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техникалар, уй-рўзғор анжомлари туҳфа этилгани, ногиронлиги бўлган, оғир хасталикка чалинган, тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга даволаниш учун йўлланмалар берилгани эътиборга молик.

– Президентимиз изчил амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир, дея таъкидлаган эдилар, – дейди Бекобод туманидаги "Бўстон" МФЙ раиси Тожихон Раҳмонова. – Ўтган давр мобайнида 4-сектор масъулларининг маҳаллалар кесимида олиб борган фаолияти диққатга сазовор бўлди. Ёрдамга муҳтож оилаларга ўз вақтида кўмак берилиб, мавжуд муаммоларни ечишга алоҳида эътибор қаратилди. Хуллас, ҳудудимизда ижобий ўзгаришлар сезилаётир.

– Уюшмаган ёки ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам амалий ишлар бажарилмоқда, – дейди сектор раҳбари Беҳзод Шомирзаев. – Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари, бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиб, тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Ўн нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида тарғибот-ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйганимиз туфайли жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Таъкидлаш жоиз, 2018 йили Бекободда ҳам одамларни рози қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор берилади. Буларнинг барчаси инсон манфаатлари таъминланишига, уларнинг турмуш шароитлари тубдан яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Б. АШУРОВ.

Сарҳисоб

Оққўрғон туманидаги жамоатчилик марказида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти кенгашининг 2017 йил фаолияти якунлари ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Республика ва вилоят маҳаллалар кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва туман маҳаллалар кенгашларининг бошқарув раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар, 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ушбу ҳужжат билан тасдиқланган Дастур ижроси, Кенгашнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги режалар атрофлича таҳлил этилди.

Танқид ва чуқур таҳлил руҳида кечган йиғилишда қайд этилганидек, якунланган йилда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоятдаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолининг ҳуқуқий фаоллиги, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш даражасини оширишга қаратилган "Мен ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашда фаол иштирок этаман", "Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туради" мавзуларида 6 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳаллалар ва таълим муассасаларида "Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди", "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" мавзуларида 1 минг 700 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Натижада, вилоят маҳаллаларида умумий жиноятчилик 2016 йилга нисбатан 1 минг 200 дан ортиққа камайишига эришилди. Жумладан, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 87 тага, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 37 тага камайди. Аммо, вояга етмаганлар жиноятчилиги Бўстонлиқ туманида 6 тага, хотин-қизлар жиноятчилиги Чинозда 28 тага ошган. Нотинч-ноқобил оилалар билан олиб борилган тизимли ишлар натижасида эса ушбу тоифадаги оилалар сони қарийб 140 тага камайди.

2017 йил мобайнида 9 та шаҳар ва туман маҳаллалар кенгашлари ҳамда 22 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари таъмирланди. Ўттизга яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари янги компьютер жамланмалари, 170 га яқини эса мебеллар билан таъминланди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21-22 июль кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида маҳалла, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда оила ҳамкорлиги бўйича ўзига хос Тошкент вилояти тажрибасини яратиш борасида берилган топшириқ ижроси юзасидан вилоят маҳаллалар кенгаши томонидан маҳалла, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда оила ҳамкорлиги тизими яратилди. Қўшма қарор билан тасдиқланган мазкур Йўриқномада ўзига хос Тошкент вилояти тажрибаси мужассамлаштирилиб, унга асосан таълим муассасаларида "Ота-оналар кенгаши" ва соғлиқни сақлаш муассасаларида "Жамоатчилик кенгаши" ташкил этилиб, уларга раҳбар этиб маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари тайинланди.

Шунингдек, Кенгашлар қошида 5-7 нафар ўз хизмат бурчига катта масъулият билан ёндошиб келган, жамоат ишларида фаол иштирок этган ва ҳозирги пайтда пенсияда бўлган ўқитувчи, шифокор ва ҳамширалардан иборат "Одоб-ахлоқ ва муомала маданияти" комиссияси тузилди.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида ташкил этилган "Ота-оналар кенгаши" ўқувчиларнинг давомати, дарсларни ўзлаштириши, уларнинг дарсдан бўш вақтларидан мазмунли фойдаланишни ташкил этиш каби масалалар билан тизимли шуғулланмоқда. Аввало, кенгаш аъзолари мунтазам дарс машғулотларига қатнашмайдиган, ҳуқуқбузарликларга мойиллиги юқори бўлган ўқувчилар рўйхатини шакллантириб, уларга мактабнинг юқори малакали ўқитувчиларини бириктириш, қизиқиши ва лаёқатига қараб турли тўгаракларга, жамоат ишларига жалб қилган ҳолда тўғри йўл танлашларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасаларида ташкил этилган "Жамоатчилик назорати" кенгашлари аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар саломатлиги, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати, ногиронлиги бўлган, ётиб қолган касаллар, ёлғиз қариялар ҳолидан доимо хабар олиб туриш, зарур бўлганда касалхоналарга ётқизиш, дори-дармонлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиб, патронаж-ҳамшира фаолияти устидан назорат олиб бораётир.

Йиғилишда шунингдек, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни жиловлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб этиш бўйича 2018 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аваз Худойқулов.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

– Йилга ном берилишини интизорлик билан кутдим, – дейди Зангиота тумани, Эркин қўрғони, "Қаҳрамон" маҳалласида яшовчи Аҳмаджон Раҳматов. – Нега деяётгандирсиз? Албатта, биз тадбиркорларга имкон ва рағбат берилишини истадим. Ўйлаганимдек бўлди. Эзгу ниятим ижобатига гувоҳмиз. Буёғига эртаю-кеч меҳнат қилиб, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшамиз.

Тадбиркор ўтган йили маҳалла идораси учун янги бино қуриб берди. Шу кунларда эса гўзаллик салони ва пойабзал таъмирлаш устахонасини ишга тушириш арафасида.

"Қаҳрамон"лик яна бир тадбиркор Ғанишер Қодиров ҳам эл корига яраётганлардан. Унинг катта йўл ёқасидаги маиший савдо мажмуасида озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона, ошхона бор.

Қишлоқда тадбиркорлик фаолияти кенгаяётгани сайин тадбиркорларнинг даромади ортаяпти. Тўлқин Холматов, Ҳикмат Абдуллаев, Дониёр Қобиловлар ташкил этган тикувчилик цехларида қарийб юз нафардан маҳалла аҳли меҳнат қилмоқда.

– Тадбиркорлик фуқаролар йиғини фаолиятига том маънода ижобий таъсир кўрсатади, – дейди "Қаҳрамон" маҳалласи раиси Акмал Бегматов. – Аввало, маҳалладошлар иш билан таъминланади. Қолаверса, кўчакўйда дайдиб, вақтини беҳуда сарфлаётган ёшлар ҳам ишли бўлади.

Бундан ташқари, ҳозир профилактика нозири хонаси қурилаяпти. Ҳали оталар оромгоҳи, болалар боғчасини ишга тушириш тараддудидамиз. Шофайз шоҳкўчасига асфальт ётқизиш режамизда бор. Буларнинг барида озмиқўпми тадбиркорларнинг ёрдами, хизмати бор.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ: БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

– Президентимиз фармонида кўрсатилган йўналишларнинг амалга оширилиши таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омилидир, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Нигора Исмоилова. – Албатта, бундай имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ишласак, юртимизда мактабгача таълим тизими янада тараққий этиб бораверади.

Дарҳақиқат, Бўкада фаолият кўрсатаётган МТМлар ҳам ушбу фармон ва қарордан руҳланган ҳолда янгича куч ва ғайрат, ташаббус билан ишлашга интилмоқда. Туман марказида жойлашган 7-МТМда бўлганимизда биз бунга яна бир бор амин бўлдик. Мазкур боғча 2015 йилда мукаммал таъмирдан чиқарилгач, ўзига хос кўркамлик, замонавий кўриниш касб этди. Муассасанинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Ҳозирда ушбу даргоҳ нафақат Бўка тумани, балки вилоятимиздаги энг намунали МТМлардан бирига айланган. 180 нафар болани бағрига олган муассасада 8 та гуруҳ фаолият кўрсатади. 40 нафар болаларни глобал таълимга, яъни мактабга тайёрлаш мақсадида 2 та гуруҳ ташкил этилган.

– Муассасамизда ота-оналар иштирокида жуда кўплаб тадбирлар ўтказиб борамиз, – дейди МТМ раҳбари Фароғат Асқарова. – "Соғломжон-полвонжон", "Зумрадойлар даврасида" сингари тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. "Соғломжон-полвонжон" танловининг вилоят босқичида доимо юқори ўринларни эгаллаб келаяпмиз.

Дарҳақиқат, бугун МТМда ҳаёт қайнайди. Нигора Жўраева, Лобар Абдурахимова каби илғор тарбиячи-педагогларнинг меҳнати мақташга арзигулик. Уларнинг иш тажрибаси оммалаштирилмоқда. Глобал таълим бўйича туманлараро семинарларнинг мунтазам ўтказилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Муассасада мактабга тайёрлов гуруҳлари фаол иш олиб боради. Айниқса, болаларнинг мантиқий, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга доир машғулотларнинг кўпроқ ўтказилиши бизда илиқ таассурот қолдирди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Бошланиши 1-бетда.

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Ўзбекистон 2017 йилда:

Доимий аҳоли сони 2018 йил 1 январь ҳолатига **32,65 млн.** кишини ташкил этиб, 2017 йилда **533,4 минг** кишига ёки **1,7%** га ўсган.

Жумладан, шаҳар аҳолиси сони 16,53 млн. кишини (жами аҳоли сонидаги улуши **50,6%**), қишлоқ аҳолиси сони **16,12 млн.** кишини (**49,4%**) ташкил этди.

* * *

Республикада **715,5 минг** бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 22,1 промиллени ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 0,7 промиллега камайди (2016 йилда **22,8** промилле бўлган).

161,5 минг ўлим қайд этилган бўлиб, мос равишда **1000** аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти **5** промиллени ташкил этиб, 2016 йилнинг мос даврига нисбатан **0,1** промиллега ошди (2016 йилда **4,9 промилле** бўлган).

* * *

Аҳолининг табиий ўсиши **554,0 минг** кишини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан **17,4 минг** кишига (2016 йилда **571,4 минг** киши бўлган) камайган.

* * *

Мамлакатимизда 2017 йилда ФҲДЁ органлари томонидан **306,0 минг**та никоҳ қайд этилди. Никоҳдан ажралишлар сони эса **31,9 минг**тани ташкил қилмоқда.

ЙЎЛ БЕХАТАР, МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛСИН!

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида йўлтранспорт ҳодисалари ва қоидабузарликларнинг олдини олиш, пиёдаларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, қоидабузар пиёдаларга нисбатан ўз вақтида қонуний чора кўриш ҳамда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида "Диққат, пиёда!" бир кунлик рейди ўтказилди.

Ҳаракат хавфсизлиги

Тадбир давомида вилоят ҳудудидаги серқатнов йўл ва чорраҳаларда пиёдалар амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига, йўл белгилари ҳамда ҳаракатни тартибга солувчи сигналларга бўйсунган ҳолда йўлларни кесиб ўтиши юзасидан назорат ва тарғибот ишлари кучайтирилди. Мактаб ва коллежларда йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Маълумотларга кўра, "Диққат, пиёда!" бир кунлик рейди мобайнида жами 203 та қоидабузарлик аниқланган. Қоидабузарларга, хусусан, светофор ва чорраҳалардан ўтиш тартибини бузган, қулоқчинлардан фойдаланган, йўлнинг қатнов қисмини ажратувчи ҳимоя тўсиқлари (бордюрлар)дан сакраб ўтган пиёдаларга маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида ҳафта давомида йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида "Диққат, темир йўл!" ва "Автопатруль" рейдлари ўтказилди. Ушбу тадбирлар давомида 5 минг 139 та қоидабузарлик аниқланди. Маст ҳолда, ҳужжатсиз машина бошқариш, тезликни ошириш, уяли алоқа воситасидан фойдаланиш, светофор ишорасига бўйсунмаслик, одам ташиш қоидасини бузган ҳайдовчиларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилди.

Отажон НУРИНБОЕВ, вилоят ИИБ ЙҲХБ матбуот гуруҳи катта инспектори.

Реклама ва эълонлар

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2017 йил учун қуйидаги:

– 1-TB shakli, 6-ta'lim shakli, 4-qurilish shakli ва 6-tibbiyot shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2018 йил 26 январдан кечиктирмай;

– 1-mehnat shakli ва 1-MSh shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2018 йил 1 февралдан кечиктирмай;

– 2-sanoat shakli (йилда икки марта), 1-madaniyat shakli, 2-madaniyat shakli, 3-madaniyat shakli, 4-madaniyat shakli ва 5-madaniyat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2018 йил 2 февралдан кечиктирмай;

– 6-madaniyat shakli ва 7-tibbiyot shakli йиллик давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 6 февралдан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2017 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботини тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб сайтига жойлаштирилган.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

"Ўзтрансгаз" АЖнинг Тошкент вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 декабрдаги "Аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун сотиладиган суюлтирилган газнинг республика бўйича ягона чакана нархини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисида"ги 1033-сон қарорига асосан Тошкент вилояти аҳолисига етказиб бериладиган суюлтирилган газ нархи, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда:

– 2018 йилнинг 1 апрелидан, 1 килограмм учун – 700 сўм;

– 2018 йилнинг 1 августидан, 1 килограмм учун – 800 сўм

этиб белгиланди.

РУМИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Агар тақдир этса Аллоҳ – қўл ҳам олиб келар, ел ҳам олиб келар, сел ҳам олиб келар. Гар тақдир этмаса Аллоҳ – қўл ҳам олиб кетар, ел ҳам олиб кетар, сел ҳам олиб кетар...

* * *

Ҳаққа етмоқ истасанг, кўнгилларни қозонмоқни маслак айлагин, бунинг учун саройларда мармар бўлма, бир тупроқ бўлгинки, бағрингда гуллар етишсин...

* * *

Яхшилик изла, тўғрилик изла, гўзаллик изла, аммо айб излама.

* * *

Савдоси, сармояси, мол-дунёси кўп одамнинг имтиҳони ҳам оғир бўлур.

* * *

Гўзаллигингга қувонма, уни бир сўғал буза олар, мол-мулкингга қувонма, уни бир офат олиб кетар. Роббингга қувон, у ҳаммасига кифоя этар...

* * *

Гиламни калтак билан қоқмоқ гиламга озор бермоқ учун эмас, гиламни покламоқ учундир. Аллоҳ сенга ташвиш берар экан, сени имтиҳон қилиб тозалар, чангу ғуборингни кетказар. Қайғурма...

ОҚИБАТ ВА ОБОДЛИК
ШИЖОАТИ ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИ

Мавжуд барча ибратхоналар ободонлаштирилиб, бир ярим мингга яқин арча кўчатлари экилди. Икки ярим километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 15 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди.

Туманнинг "Янги" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Саид Жаъфар Фози ота" қабристони ҳам шу кунларда ўзгача обод ва

Бошланиши 1-бетда.

кўркам масканга айланди.

– Маълумотларга кўра, мазкур қабристон 730-йилда машҳур уламо Саид Жаъфар Фози отанинг дафн этилиши билан ташкил этилган, – дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шоҳида Тўраева. – Бу масканни маҳалламиз аҳли муқаддас қадамжо ҳисоблашади. Боиси, ўтган салкам 13 асрлик вақт мобайнида маҳалладошларимизнинг аждодлари руҳлари мана шу масканда мангу ором топган.

12 гектардан ошиқ майдонни эгаллаган "Саид Жафар Фози ота" қабристони мингга яқин маҳалла аҳолиси томонидан ободонлаштирилиб, 500 дона арча кўчатлари экилди.

Вилоятимиз бўйлаб эзгулик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва ободлик айёми давом этмоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

КЕТМОН – ТАБИБ

Профессор Воҳид Саидов бир пайтлар катта амалдор бўлган. Унинг қабулига кириш ёки тўймаъракада қўлини олиш кўпчиликка насиб этмаган. Савлатидан от ҳурккан.

У олтмиш ёшга тўлган куни дўстлари, биродарлари ва оила аъзолари билан чоғроқ анжуман қилди. Унинг шаънига барча эзгу тилаклар айтилди, совғасаломлар берилди.

Эртаси куни ишдан бўшаганлигини маълум қилиб, ариза ёзиб, ҳайдовчисидан бериб юборди.

Уни ишхонага қайта-қайта чақиришди, сўрашди, бир бор келиб кетишини илтимос қилишди. Лекин, Воҳид Саидов ишхонага қайтиб қадам босмади.

У ўша кундан бошлаб, бир вақтлар харид қилган кетмонни қўлига олиб, ҳовлидаги бир парча ер билан ошно тутинди.

Онда-сонда соғлигидан шикоят қилиб қоладиган профессор кетмон орқали ерга астойдил меҳр қўйди.

Воҳид Саидов Худо умр бериб, тўқсон ёшга тўлди. Журналист ундан сўради:

– Шунча умр кўришингизнинг сири нимада?

У киши олма дарахти шохига илиб қўйилган кетмонни қўлларига олиб, шундай жавоб қилди:

– Менинг табибим – кетмон, шифохонам – ер!

МАЙИЗ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Меҳмондорчилик авжига чиққанида, даврага яна бир-икки киши келиб қўшилди. Лагандаги ошнинг ҳам таги кўриниб қолган эди. Ошнинг чўғи пасайганини кўриб, Саид оқсоқол астагина қўлини артди. Буни сезиб қолган Алижон ошпаз даврадагиларни ҳам хижолатдан қутқарган бўлди.

– Олинглар, олинглар. Оқсоқол қўлингизни артманг. Бир ошатиб юборинг. Қадимдан: "Бир майизни қирқ киши бўлиб еган", деган ҳикмат бор-ку!

– Тўғри айтасиз, Алижон. Шундай ҳикмат бор. Лекин, қадимги майизлар ҳам қўйдай-қўйдай бўлган-да, – деди Саид оқсоқол донолик билан.

ДЎППИСИ ЙЎҚ ДУНЁ

Набираси Анваржонга ўзининг гоҳ ёруғ, гоҳ машаққатлар билан ўтган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилган Сулаймон бобо оппоқ соқолини бармоқлари билан тараб, хўрсиниб шундай деди:

– Ҳаёт шунақа шафқатсиз, болам. Унинг зарбаларига чидаб, қувончли лаҳзаларида ўзингни йўқотмасанг бўлди. Биласанми, ҳамма гап нимада, бобом раҳматли айтганларидек, дунёнинг дўпписи йўқлигида.

– Бобо, дунёнинг ҳам дўпписи бўладими?

– Биласанми, Анваржон болам. "Дўпписи йўқ дунё", деган иборани раҳматли бобом кўп айтардилар. У киши: "Агар дунёнинг дўпписи бўлганида, одамларнинг бошларига шунчалар ғам-ташвишларни ёғдирмасди", дердилар. Баъзан бирор нарсадан зерикканларида, андак диққат бўлганларида қўл силтаб қолардилар: "Э, дўпписи йўқ дунё", деб.

ЯХШИ ХОТИН

– Мухторжон, нима гап? Уйда жанжал бўлдими, дейман?

– Хотин билан яна озгина жанжаллашдик-да, оқсоқол.

– Жанжал қилдингми ё келинни урдингми?

– Шу, тили чаён. Гап қайтарганида оғзи ёпилмайди. Шунга урдим.

– Урганингда хотининг кўчага қочдими ё уйга кирдими?

– Ўзини дарров уйга урди, оқсоқол. Нимайди?!

– Гап қайтариш хотинларга теккан бедаво касал. Энди хотинни урма, бола. Қайтиб қўлингни теккизма. Уйга қочган бўлса, келин яхши хотин экан...

Ашурали ЖЎРАЕВ.

XXI аср ва дунё

Муз минораси қад ростлади

Хитойлик ва нидерландиялик талабалар баландлиги 31 метр келадиган муз минора қуришди. Flamenco Ice Tower номли конструкция муз ва қордан ишланган турли ҳайкаллар тақдим қилинадиган халқаро фестивалга мезбонлик қиладиган Хитойнинг Харбин шаҳрида барпо этилди.

Анъанавий Хитой архитектураси услубида қурилган минора конструкцияси мустаҳкам бўлиши учун музга ёғоч қипиқлари ва целлюлоза аралаштирилган. Иншоот 2 йил давомида лойиҳалаштирилган. 2015 йилда шу жамоа баландлиги 21 метрлик минора қурганди. Шу тариқа, аввалги натижа 10 метрга яхшиланган.

Лойиҳа муаллифларининг фикрича, улар минорани қуришда қўллаган усул экстремал иқлим шароитларида вақтинчалик конструкцияларни қуришда асқотиши мумкин. Муаллифлар Хитойда ўтадиган 2022 йилги қишки Олимпиадага кўпроқ муз иншоотларини лойиҳалашмоқчи.

Электр самолётлар эраси бошланмоқда

Норвегия парвоз давомийлиги 1,5 соатдан ортиқни ташкил этмайдиган қисқа рейсларни амалга оширувчи барча самолётларни электр кучи билан ҳаракатланадиган механизмга ўтказмоқчи. Бу ҳам ички парвозлар, ҳам Скандинавиянинг бошқа мамлакатларига рейсларга алоқадор бўлади.

Бироқ, бу инновацион ғояни ҳаётга татбиқ этиш учун бир неча йил бор. Норвегия 2040 йилдан яқин ташувлар учун барча ҳаво кемаларини шундай механизмга ўтказади. Электр самолётларга ўтиш бирданига юз бермайди. Avinor давлат компаниясининг раҳбари Даг Фальк-Петерсеннинг аниқлик киритишича, аввалига авиакомпаниялар "ўтиш технологиялари" – биоёқилғи ва гибрид двигателларни синовдан ўтказади. Шунингдек, Avinor 19 йўловчига мўлжалланган кичик электрсамолёт ёрдамида тижорат рейсини йўлга қўйиш бўйича тендер ташкиллаштиришни режалаштирмоқда. Ҳаво кемасининг илк парвозлари 2025 йилдаёқ амалга ошиши керак.

Электр самолётлардан фойдаланиш Норвегиядаги экологик ҳолатга ижобий таъсир ўтказиши айтилмоқда. Статистикага кўра, Норвегия ҳудудида ҳавога чиқарилувчи парник газларнинг 2,4 фоизи ҳаво транспорти ҳиссасига тўғри келади. Халқаро рейслар эътиборга олинса, бу кўрсаткич деярли 5 фоизга тенг бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ШОГИРДЛАР УСТОЗДАН ЎТАМАН, ДЕЙДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг "Фоторассомлар" шўъбаси аъзолари ва ёш фотосуратчиларнинг кўргазмаси очилди.

Суратларда ҳаёт акси

Экспозициядан кўп йиллик тажриба ва маҳорат соҳиблари ҳамда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган ҳаваскорларнинг ишлари ўрин олган. Устозлар ва ёшлар тақдим этган бу ижод намуналарида она диёримизнинг бетакрор табиати, сервиқор тоғлари, тарихий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари, замонавий объектлар, олижаноб инсон омили ва машҳур сиймолар, маданий ҳаётимизнинг турли қирралари, беғубор болалик, ҳаёт динамикаси, фалсафаси акс этган. Бу суратлар томошабинни мушоҳадага, фикрлашга чорлайди.

Экспозицияда "Январь қўшиғи", "Баҳорни кутиш ҳақида", "Кечки куз", "Дарсликлардагидек баҳор", "Хива", "Бойсун", "Мушкул вазифа", "Орол денгизи тонги", "Субҳидам", "Ўзбекистон тоғлари", "Қиш зийнати" ҳамда Тошкент вилоятининг турли ҳудудлари акс этган "Чимён – янги йилдан олдин", "Булутлар орасига силжиш. Чорбоғ", "Товоқсой", "Чорбоғда. Шафақ", "Оқсоқ ота", "Катта Чимён чўққисида", "Кўксув кўли", "Оқ булоқ. Юқори оқим", "Кўксув. Маҳкамкўлга ўтиш жойи" каби фотосуратлар ўрин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ОЙ ЮЗИДАГИ ДОҒЛАР

ёхуд аёл нега жиноятга қўл урмоқда?

– Аёлларни, хотин-қизларни ҳаётимиз безаги, умримиз мазмуни, дея ардоқлашади. Хусусан, ҳаётини, борлиғини ўз юрти, оиласи, фарзандларига бағишлаган Бибихоним, Гулбаданбегим, Нодира, Увайсий, Анбар Отинлар авлоди бўлган миллатимиз оналарини дунё аҳли яхши танийди. Аммо, афсуски, баъзилар буни унутиб қўйишади. Зеро, жамият таянчи, тараққиёт омили бўлган соғлом, мустаҳкам оилалар, обод хонадонлар, аввало, оқила, доно, саранжом-саришта бекалар, аёллар туфайли барқарор. Лекин, аёллик шаъни, оналик бурчи, масъулиятини унутиб, ҳою-ҳавас, мол-дунёга берилиш оқибатида жиноятга қўл ураётган аёлларимиз ҳам оз эмас.

Бу оғриқли муаммони, афсуски, хаспўшлаб бўлмайди. Шу маънода вилоятимизда содир этилаётган жиноятларда аёлларнинг ҳиссаси салмоқли эканини тан олмай илож йўқ. Ўтган йил давомида жиноят содир этган аёллар сони 327 нафарга камайган бўлсада, вилоятимизда ҳали бу борада кўп ишлар қилиниши зарурлигини таъкидлаш керак. Тўғри, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг мазмун-моҳияти, аввало, ёшлар, аёллар маънавиятини юксалтиришга қаратилган. Шаҳар, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, ИИБ, шунингдек, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Ёшлар иттифоқи каби жамоат ташкилотлар ҳамкорлигида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Халқимизда "Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, уни муҳит тарбиялайди", деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, жиноятга қўл урган аёлларнинг яшаш шароити, оилавий аҳволи ўрганилганда, уларга соғлом маънавий муҳитнинг, ота-она ёхуд оиласи эътибори, меҳри етишмаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда бандлик масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш жоиз. Зеро, жиноят содир этганларнинг аксарияти ишсиз аёллар ёки уй бекаларидир. Таҳлиллар-га қараганда, хотин-қизлар, асосан, фирибгарлик, ўғрилик, ҳуқуқбузарлиқ, одам савдоси билан жиноий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, талончилик, гиёҳвандлик, товламачилик, босқинчилик ва минг афсуслар бўлсинки, қотиллик содир этган аёллар саноқли бўлсада, учраётгани бор гап. Тўғри, баъзи шаҳар, туманларимиз, жумладан, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқда, ёинки, Оққўрғон, Оҳангарон, Зангиота, Бўстонлиқ, Бўка, Қибрай ва Юқори Чирчиқ туманларида жиноятчилик, хусусан, аёллар жинояти бир мунча камайди. Сабаби, энг аввало, нотинч, ноқобил, жиноятчиликка мойил оилаларни аниқлаб, уларнинг муаммоларини биргаликда бартараф этиш чораларини кўраяпмиз. Зеро, иллатнинг илдизи энг олдин оила муҳитида томир отади. Бизнинг вазифамиз эса бу иллатнинг илдизини қуритиш. Шундай оилалар билан беғараз, самимий суҳбатлашиш, кўнглига йўл топиб, муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш учун ишчи гуруҳлар тузилган. Улар орасида эл-юрт ҳурматидаги кексалар, ибратли оила, хонадон эгалари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича раис ўринбосарлари бор. Улар ёрдамида вилоят бўйича 2 минг 500 дан ортиқ оилавий ажримларнинг олди олинди, 1 минг 566 та шаръий никоҳ қонунийлаштирилди, 883 нафар отасиз қолган оила фарзандларига алимент ундиришда ёрдам берилди, 231 та эрта никоҳнинг олди олинди. Яна бир оғриқли нуқтамиз бу – аёллар ахлоқсизлигидир, десак хато бўлмайди. Афсуски, буни ҳам айтиб ўтмай илож йўқ. Шундайларнинг 172 нафари билан суҳбатлар ўтказилди. Лекин, бу билан хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ. Ахир айтишади-ку, жиноятнинг биттаси ҳам кўп, у жамият баданидаги яра ёки юқумли касалликдек гап.

Таъкидлаганимиздек, энг муҳими, аёлларимизнинг бандлик масаласи. Бу муаммо вилоятимизда ишга тушириладиган янги-янги корхоналар, илғор тадбиркорларимиз ёрдамида ҳал этилмоқда. Албатта, бунда аёлларимизнинг хоҳиш-истаклари, шароитлари ҳисобга олинади. Шу кунгача 35 мингдан зиёд аёлларимиз иш билан таъминланганини қайд этишимиз жоиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз янги кўламда давом этаётир.

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз мавқеига эга пойтахт вилоятимиз муҳтарам Президентимизнинг доимий эътиборида экани, эл-юрт дардида туну кун тиним билмаётган Юртбошимизни мамнун этадиган саъй-ҳаракатларимизни бир зум бўлсада тўхтатмаслигимиз кераклигини таъкидлашни истардик. Бу эса, энг аввало, сизу бизга, ўзимизга боғлиқ, азиз аёллар!

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Сайёра РИХСИЕВА ёзиб олди.

Бошланиши 1-бетда.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-945. Адади 16 239. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.10.